Inson manfaatlari – oliy qadriyat

2024-yil 8-mart, juma № 10 (1476)

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!




# Байрам табриги

***Ассалому алайкум, азиз онажонлар, мўътабар ва ҳамиша эъзозимизда бўлган муҳтарама опа-сингиллар!***

*Ҳеч биримизга сир эмаски, ҳар бир халқнинг маънавий тараққиёти унинг аёлга бўлган муносабати билан белгиланади. Азал-азалдан шарқда аёл доимо эркак кишининг дўсти, ёри, оқила, меҳрибон, оилавий тинчликнинг раҳнамоси сифатида улуғланган. Аёл зеҳни, ақл-идроки, маънавияти ва тафаккури бевосита Ватан, халқ ва миллат келажагига дахлдор, энг муҳим омиллардан бири сифатида баҳоланган. Умумбашар тамаддунига буюк алломалар, аҳли-донишлар, фозил-фузалоларни дунёга келтириш, уларни меҳр-муҳаббат билан вояга етказиш, илм-маърифатли қилиб, улуғвор ишларга руҳлантириш орқали бемисл даражада ҳисса қўшган фозила аёлларимизга ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатиб келинган. Азим шарқнинг бу каби гўзал анъаналари бугунги кунда бардавомлик касб этиш билан бир қаторда, янада такомиллашиб бормоқда. Эндиликда, жамиятимизда аёллар фақатгина она ёки уй бекасигина эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий соҳаларида амалга оширилаётганислоҳотларнинг фаол ташаббускори сифатида ҳам намоён бўлмоқдалар.*

*Она Ватанимизда бунёд этилаётган эркин ва фаровон, демократик, дунёга очиқ жамиятни қуришда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз ҳам беқиёс ҳисса қўшаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз ва бундан фахрланамиз, албатта. Айниқса Ўзбекистонимизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда оналарнинг беқиёс мураббийлик фазилатларига таянилаётганини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.*

*Бизларни мамнун этадиган яна бир жиҳат шундаки, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришини ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилаётгани бўлмоқда. Юртимиз хотин-қизлари бундай эътибор ва ғамхўрликни чуқур қадрлайди, албатта. Ўз навбатида шу халқ учун, шу Ватан учун астойдил хизмат қилишни ўзимизнинг нафақат асосий вазифамиз, балки шарафли бурчимиз ҳам деб биламиз.*

*Бугунги Халқаро хотин-қизлар куни шодиёнаси билан муҳтарама онахонларимиз, опа-сингилларимиз, мунис ва лобар қизларимизни самимий муборакбод этамиз!*

*Азиз ва муҳтарама "адолатчи" опа-сингиллар! Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенат, барча ҳудудий Кенгашлардаги партиямизнинг фидойи, меҳнаткаш, илмли, маърифатли, гўзал вакилалари, "Адолат" аталмиш сиёсий кучга аъзо бўлган 630 338 фуқародан 323 919 нафарини, демакки, 52 фоиздан кўпрогини ташкил этаётган жами партиядош, шунингдек, ғояларимизга хайрихоҳ хотин-қизлар, фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг илк айёми барча-барчангизга муборак бўлсин!*

*Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламиз.*

***Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ҳаётингиз фаровон бўлсин! Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!***

**Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН ХАЛҚИМИЗ ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳаётимиз қувончи, файзу фариштаси бўлган муҳтарама онахонлар, ҳурматли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Бугун сиз, азизлар билан мана шундай тантанали анжуманда учрашиб, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбдан қутлаш мен учун улкан шараф ва саодатдир.

Барча-барчангизга самимий меҳрим ва чексиз ҳурматимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзларингиз каби гўзал байрамингиз муборак бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ушбу шукуҳли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўътабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш аввало азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг, **жаннат боғидан баҳрамандлик истар экансан, аввало, мунис онани рози айлагин,** деган сўзларини биз энг эзгу даъват сифатида қабул қиламиз.

Биз ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, бутун борлиғимизни сиз, қадрли опа-сингилларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Сизлар биз учун ҳамиша гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат, қаноат ва шукроналик тимсоли бўлиб келгансиз ва доимо шундай бўлиб қоласиз. Мана шундай олижаноб фазилатларингиз билан бизларга ҳамма вақт куч-ғайрат, ҳаётга, келажакка ишонч бағишлаб келаётганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ҳурматли опа-сингиллар!

Юртимизда меҳнаткаш, олижаноб халқимиз, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси этиб белгиланган. Жумладан, **"Ўзбекистон – 2030"** стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда, аввало, миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиб, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг тасдиғини биргина мисол, яъни, сайлов кодексимизда депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилганида яққол кўриш мумкин.

Бугун ушбу муҳташам залда ҳурматли депутат ва сенатор аёлларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қонунларимизнинг адолатли ва таъсирчан бўлишида уларнинг ҳам албатта ҳиссаси катта. Бунинг учун халқ вакиллари бўлган бу аёлларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етгани айниқса эътиборлидир. Шу билан бирга, юзлаб оқила аёллар ҳаётимизнинг барча соҳаларида жонбозлик билан фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради.

Бу борада Гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси самарали иш олиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг нафар хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси – 400 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада 6 минг 200 нафар аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 миллиард сўм субсидия ажратилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жойларда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида "Аёллар дафтари" бўйича 1 триллион 234 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 994 минг нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Бу вазифаларни бажаришда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг иштироки кучайиб бораётгани айниқса муҳимдир. Улар томонидан "хонадонбай" ўрганишлар натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож 690 мингдан зиёд оилага манзилли ёрдам кўрсатилгани, 116 мингта нотинч оилада муҳит соғломлаштирилганини бугун алоҳида эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда бўлғуси оналар, келажак тарбиячилари бўлмиш қизларимиз камолотига, уларнинг олий таълим олиши, замонавий касб-ҳунар ва технологиялар, хорижий тилларни эгаллашига катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпи – эътибор беринг, ярмидан кўпи, яъни, 653 минг нафардан зиёдини қизлар ташкил этмоқда. Магистратурада ўқиётган ёшларимиз орасида қизларнинг улуши янада кўп, яъни, салкам 14 минг нафарни ташкил этмоқда. Бу – жами магистрантларнинг қарийб 60 фоизи дегани.

Жорий ўқув йилида эҳтиёжманд оилаларга мансуб 1 минг 914 нафар хотин-қиз олийгоҳларга қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинди. 181 минг 500 нафардан ортиқ қизларимиз учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг вакиллари, етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 2 мингдан зиёд талаба учун 14 миллиард 500 миллион сўм контракт пули маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қоплаб берилди. Сўнгги йилларда давлат олийгоҳларининг магистратура бўлимида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пуллари бюджетдан тўланмоқда.

Энг муҳими, қизларимиз ўртасида замонавий билим ва касб-ҳунарларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Масалан, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизи, яъни қарийб ярмини қизлар ташкил этган.

Кейинги пайтда юртимизда илм-фан ва таълим, хусусан, олий таълим соҳаси ислоҳ этилиб, жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани сабабли хотин-қизлар бу йўналишда ҳам катта натижаларга эришмоқдалар. Бунинг амалий ифодасини сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёлларимиз фан доктори (DSc) ва ўз соҳалари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгани мисолида кўриш мумкин. Биргина 2023 йилнинг ўзида 147 нафар хотин-қиз фан доктори, 1 минг 238 нафари эса фалсафа доктори илмий даражасига эришгани барчамизни мамнун этади.

Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда эса 14 мингдан зиёд опа-сингилларимиз педагогика ва илмий-тадқиқот йўналишида иш олиб бормоқда.

Бу рақамлар нимадан далолат беради?

Бу, аввало, қизларимиз, опа-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар баландлигидан, агар тегишли шароит ва имконият яратиб берсак, улар ҳар қандай юксак маррани забт этишга қодирлигидан далолат беради.

2

## Қутлаймиз!

### Сафдошимиз "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан Давлат бошқаруви Академиясида "Мўътабар аёл" кўкрак нишонини топшириш маросими ўтказилди.



Унда юртимизнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган ўз касбининг фидойи аёллари, йиллар давомида юрт, жамият равнақи учун бор куч, билим ва салоҳиятини сафарбар этган хотин-қизлар муносиб тақдирланишди.

Улар орасида партиядошимиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Борисова Елена Михайловна ҳам борлиги бизни қувонтиради.

Биз жонкуяр, фидойи, илғор депутатимиз Елена Борисовани мазкур мукофот билан табриклаб, келгусидаги ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз!



Хайринисо Акбарова 2004 йилнинг 18 декабрида Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. Отаси Ҳайдар Акбаров журналист, онаси Дилфуза Мамадиева шифокор. Хайринисо оиладаги тўрт фарзанднинг кенжаси. Мирзо Улуғбек туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби битирувчи.

6

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН ХАЛҚИМИЗ ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи**

1

Албатта, оила юмушлари, фарзанд тарбияси билан бирга, турли соҳа ва тармоқларда фидокорона хизмат қилаётган опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш доимо давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида 17 нафар ҳурматли аёлларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган олий унвонга сазовор бўлган бўлса, уларнинг 7 нафари фан, таълим ва санъат соҳаси вакиллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим. 11 нафар аёл фан соҳасидаги энг юксак даражага, яъни академик унвонига сазовор бўлгани, минглаб хотин-қизларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланиб келаётгани эл-юртимизнинг уларга нисбатан юксак эҳтироми ифодасидир.

Азиз ватандошлар!

Ҳаммамизга маълумки, бугун дунёда мураккаб ва оғир вазият, иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда. Табиийки, бу ҳолат мамлакатимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундай шароитда ижтимоий соҳалар учун бюджетдан маблағ ажратиш албатта осон бўлаётгани йўқ. Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз албатта давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, **қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади.**

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Опа-сингилларимиз саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш инсон қадрини улуғлашнинг ўзак масаласидир. Шу мақсадда 2023 йили 6 миллион 500 минг нафардан зиёд аёллар тиббий текширувдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш вазифалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу борада, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида, Сенат Раиси Т.Норбоева бошчилигида махсус комиссия ташкил этилади. Ушбу комиссия келгуси йил 8 мартга қадар ҳар бир ҳудудда "фавқулодда ҳолат" режимида ишлаб, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича ишларни мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилади.

Мазкур комиссияда "Халқ банки" раисининг ўринбосари Г.Рашидова хотин-қизларнинг бизнес ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлади. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, "Бизнесни ривожлантириш банки" ва "Микрокредитбанк"да ҳам аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш бўйича алоҳида раис ўринбосарлари иш бошлайди. Ана шу раҳбарлар ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада янги бизнес ғояларига эга хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмак берадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар комиссия билан биргаликда жорий йилда 9 минг 442 та маҳалладаги 580 минг нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш учун масъул этиб белгиланади.

Бу борада маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг камида 40 фоизи аёллар таклиф этган лойиҳаларга йўналтирилади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар учун ҳунармандчилик, тадбиркорлик марказлари ва кластерлари ташкил этилади. Ушбу масканларда 205 минг нафар опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрланади ҳамда тадбиркорлик асосларига ўргатилади.

Шунингдек, "Ёшлар дафтари"га киритилган 8 минг нафар хотин-қизга ўз бизнесини бошлаши ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун субсидия, 10 минг нафарига эса имтиёзли кредитлар ажратилади. 50 минг нафар ёш аёллар учун малакали мутахассислар иштирокида "Бизнес марафон" лойиҳаси ташкил этилади. Ушбу лойиҳа доирасида юзлаб қобилиятли қизларимизга ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам берилади.

Умуман, бир ой муддатда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 триллион сўм, жумладан, оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига 6 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядаги элчиларимиз аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 100 миллион долларлик грантларни жалб қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказишга муҳтож 2 минг нафар хотин-қиз давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан даволанади.

Шу билан бирга, 1 миллион нафар ҳомиладор аёл ҳамда 1 миллион 500 минг нафар эмизикли она йод препарати, қарийб 6 миллион нафар репродуктив ёшдаги аёллар темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминланади.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 4 минг нафар хотин-қизларга уй-жой ажратилади. Шу тоифадаги 3 минг нафар аёл учун мураккаб тиббий операциялар бепул ўтказилади.

Юртимизда "Қизлар академияси" платформаси яратилиб, 100 минг нафар опа-сингилларимизга молиявий, ҳуқуқий, психологик, репродуктив билим бериш йўлга қўйилади.

Бундай амалий ишларимиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилганидан хабарингиз бор. Бу эса аҳолининг, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз муаммоларини ҳал этиш бўйича янги имкониятлар очиб бермоқда.

Айниқса, "Маҳалла еттилиги" таркибидаги хотин-қизлар фаолларидан биз катта натижаларни кутиб қоламиз. Опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларига ечим топиш, керак бўлса, оилавий масалаларда аёлларимизнинг яқин сирдошига айланиш улар учун биринчи даражали вазифа бўлиши лозим.

Дунёда ўхшаши бўлмаган бундай тизимни жорий этишдан мақсад ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қуйи бўғиндан бошлаб самарали ҳимоя қилиш эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш йўлида ташланган янги бир амалий қадам, десак, тўғри бўлади.

Азиз юртдошлар!

Ватанни севиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, эл-юрт учун муносиб фарзандлар тарбиялаш – бу дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишдир. Меҳрибон ва оқила, жонкуяр аёлларимиз бу борада ҳамиша фидойилик кўрсатиб келмоқдалар.

Маълумки, ҳар йили аҳолимиз сони қарийб 900 минг нафарга кўпаймоқда. Жорий ўқув йилида 733 минг нафар фарзандларимиз биринчи синфга қадам қўйди. Эртага ҳаётимизга қудратли тўлқин бўлиб кириб келадиган ана шундай навқирон авлодимиз тимсолида биз Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.

Шу боис, ўғил-қизларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларни миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш барчамизнинг асосий бурчимизга айланиши зарур.

Бугунги таҳликали замонда жаҳон миқёсида кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга енгил-елпи, истеъмолчилик кайфияти билан қараш каби хатарлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ўта долзарб масалага айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларга мурожаат қилмоқчиман.

**Азиз опа-сингиллар, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтирайлик, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб борайлик.**

**Ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фарзанд ва набираларимизнинг ўқиши, давомати масаласи, ахлоқ-одоби билан қизиқайлик.**

**Болаларимизни билимли ва ақлли, оқни қорадан ажрата оладиган, эл-юртимизга содиқ, ҳаёли ва иболи, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилайлик.**

Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгича усулда олиб боришимиз керак. **"Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз"** деган ғоя асосида бу жараённи аввало оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим.

Зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, **"Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдиролмайди".**

Муҳтарама опа-сингилларимиз, дуогўй онахонларимизнинг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади.

Чиндан ҳам, жондан азиз болаларимиз ҳамма ҳавас қиладиган таълим ва тарбия олса, биласизларми, жамиятимиз, ҳаётимиз қандай ўзгаради?

Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу вазифани адо этишда биз аввало сиз, азизларга ишонамиз ва таянамиз.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тўпланган миллий тажриба халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги **энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат** қаторида қайд этилди.

"Аёллар, бизнес ва қонун" деб номланган ушбу йиллик ҳисоботда дунёнинг 190 та давлатидаги ҳолат 10 та кўрсаткич бўйича баҳолаб борилади. Янги индексда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва оиладаги зўравонликка қарши кураш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар муваффақиятли деб топилган. Ўзбекистон бу борада яхши натижага эришгани эътироф этилган.

Ўтган йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган нуфузли халқаро хотин-қизлар форумларида ҳам мустақил таҳлилчи ва экспертлар томонидан айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси албатта биз биргаликда қўлга киритган катта ютуқ бўлиб, бу ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Жорий йилда мамлакатимиз яна бир йирик анжуман – **Осиё хотин-қизлар форумига** мезбонлик қилади. Мазкур анжуман "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – Хотин-қизлар" тузилмаси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Бу форум гендер сиёсати, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш бўйича самарали мулоқот майдони бўлади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилаларини ҳам самимий қутлаймиз. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига чин дилдан тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хабарингиз бор, ҳар йили 8 март айёмида турли соҳалардаги дастлабки ютуқлари учун буюк ўзбек шоираси – Зулфияхоним номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган истеъдодли қизларимизни муборакбод этамиз.

Бугунги байрам тадбиримиз ана шу қизларимиз, уларнинг ота-оналари, устозлари учун, ўйлайманки, унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолади.

Сиз, азиз фарзандларимни юксак мукофот билан ўз номимдан, халқимиз номидан самимий табриклайман. Бундай улкан эътирофни келажакда катта-катта ютуқлар билан албатта оқлайсизлар, деб ишонаман.

Айни вақтда бугунги байрам арафасида меҳнат ва жамоатчилик фаолиятида муҳим натижаларга эришган, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Барчамиз уларни чин қалбдан қутлаб, келгуси ишларига янги муваффақият ва омадлар тилаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Сиз, азизларни бугунги баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилайман.

Ҳар бирингизга ҳамиша оилангиз, фарзанду набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга!

# АЁЛ БАХТИДАН ОЛАМ МУНАВВАР БЎЛАДИ

Аёл – гўзаллик, кўркамлик, нафосат тимсоли, ҳаётни яратувчи, янгиловчи, борлиқни ўзгартирувчи қудратли куч, оиланинг, жамиятнинг мустаҳкам таянчи. Инсоният ер юзида пайдо бўлибдики, қаерда жамият ривожланган бўлса, ўша жойда аёллар улуғланган, эъзозланган, эҳтиром қилинган бўлади.



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси

Бизнинг мамлакатимизда ҳам аёлга, хотин-қизларга бўлган муносабат ҳар доим юқори. Хотин-қизлар ҳақида гапирганимизда кўз ўнгимизда нафақат оддий аёл, она деган буюк шахс сиймоси гавдаланади.

Зеро, бугунги кунда юртимиз аҳолисининг қарийб ярми – 18 миллиондан кўпроғини ташкил этган хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Шу нуқтаи назардан, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини белгилаш, уларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш, зўравонликлардан асраш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Бундан 7 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ҳам ошиб кетди. Олий таълим олаётган талабалар орасида қизларнинг улуши 50 фоизга етди, бундан ташқари, амалга киритилган янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизларнинг контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди, 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Албатта, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юртимиздаги ҳар бир инсоннинг, айни пайтда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий йўналишларда фаолият юритаётган ташкилотлар олдида турган ниҳоятда масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган бу янгиланишлар, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш "Адолат" социал-демократик партиямиз фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Яъни, партиямиз томонидан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, аёлларни пассив кузатувчи эмас, балки мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айлантириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда партиямиз аъзолари 635 083 нафарни ташкил этиб, шундан 325 873 нафари, яъни 51 фоизи хотин-қизлардир. 2023 йил давомида сафимизга 33 394 нафар хотин-қизлар қабул қилинди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг 13 нафарини (62 фоиз), партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг 255 нафарини (31 фоиз), партиямиз аъзоси бўлган сенаторларнинг 3 нафарини (33 фоиз) хотин-қизлар ташкил этади. Партия тизимида фаолияти юритаётган ходимларнинг 99 нафари (25 фоиз) хотин-қизлардан иборат.

Ўтган йилда партия томонидан "Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи" лойиҳаси доирасида "Аёл ҳуқуқларини таъминлаш – тенглик тамойилининг муҳим омили", "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – давр талаби", "Илмли, маърифатли хотин-қизлар – мамлакат келажагининг мустаҳкам пойдевори", "Давлат ва жамият ривожида хотин-қизларнинг илмли ва маърифатли бўлишининг тарихий тажрибаси", "Сиёсий партияларда гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларнинг сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини қўллаб-қувватлаш" каби мавзуларда жами 1 580 марта учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. 108 минг нафар хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилди. Суҳбатлар давомида 200 нафар зўравонликка учраган аёлларга ҳимоя ордери олиб беришга эришилди. Касб-ҳунар ўрганишни хоҳлаган 3 000 нафар хотин-қизлар шу соҳага йўналтирилди.

Партиянинг депутатлик гуруҳлари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига хотин-қизларнинг муаммолари юзасидан жами 65 та масала киритишга ва ечими бўйича тегишли қарорлар қабул қилишга эришди. Халқ вакиллари – депутатлар аралашуви билан "Аёллар дафтари"га киритилган 1301 нафар хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, уларни қийнаётган 929 та муаммо ҳал этилди.

Шунингдек, партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида республиканинг барча ҳудудий Кенгашлари фаоллари ва депутатлари кўмагида 1475 нафар ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

**...ҳар қандай буюк инсонлар ортида фидойи оналар, рафиқалар, улуғ ишларни қилишга қодир аёллар туради. Шундай экан, юртимизнинг истиқболи учун, бу истиқболли келажакни яратувчи буюк инсонларни камолга етказиш учун аёлларни эъзозлашимиз, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишимиз, гендер тенгликка амал қилган ҳолда уларни илмли, зиёли, фозила, жамиятнинг фаол инсонларига айлантиришимиз керак.**

Албатта, булар партия томонидан амалга оширилган ишларнинг бир қисми. Биз аёлларни жамиятимизнинг фаол шахсларига, ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга фидойи инсонларига айлантиришимиз учун келгусида бу йўналишда янада кўпроқ ишларни қилишимиз керак. Шу сабабли бу борада бир қанча режалар белгилаб олганмиз.

Аввало, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий мақомини янада ошириш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик меморандумини имзоладик.

Жамиятда оилалар тинчлиги ва фаровонлигига эришиш, фарзандлар тарбиясида катталарнинг ўрнини англатишга кўмаклашиш мақсадида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий саводхонликни ошириш юзасидан семинарлар ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ишсиз хотин-қизларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш мақсадида партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда ҳар чоракда меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида хотин-қизлар ўртасида турли спорт мусобақаларини уюштириш каби вазифаларни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Шу билан бирга, сайловчилар билан электрон мулоқот қилиш тизимини йўлга қўйиш, хотин-қизлар ва ёшлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида партиянинг алоқа платформасини яратиш, телеграмм ижтимоий тармоғи орқали мурожаатлар учун ботни ишга тушириш белгиланган.

Умуман олганда, юртимизда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун гендер тенгликни таъминлаш борасида режаларимиз кўп. Асосий мақсадимиз уларни амалга оширишдан иборат.

*Биз ҳамиша бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак, яъни ҳар қандай буюк инсонлар ортида фидойи оналар, рафиқалар, улуғ ишларни қилишга қодир аёллар туради. Шундай экан, юртимизнинг истиқболи учун, бу истиқболли келажакни яратувчи буюк инсонларни камолга етказиш учун аёлларни эъзозлашимиз, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишимиз, гендер тенгликка амал қилган ҳолда уларни илмли, зиёли, фозила, жамиятнинг фаол инсонларига айлантиришимиз керак. Бунинг учун, аввало, хотин-қизларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишлари учун кенг йўл очиб беришимиз зарур. Яъни, невараларимиз мактабгача таълим муассасаларидан, қизларимиз мактаблардан бошлаб юксак тарбия, ҳуқуқий таълим олишлари лозим. Токи улар атрофдагилар ҳар қандай зулм йўлини тутсалар ёки зўравонлик қилсалар, бунга жим турмасдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва ўзига нисбатан ҳурмат шакллантирилишини ўрганиши керак. Болалар тарбиясига ва катталар қалбига барча қизларни, аёлларни ўзининг онаси, опаси ёки синглиси каби ҳурмат қилиш, уларни ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик, хотин-қизларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эъзозлаш руҳини сингдириш зарур. Бу, айни пайтда, барчамизнинг умумий ишимизга айланиши шарт.*

Зеро, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда, албатта, тинчлик, фаровонлик, адолат, эркинлик бўлади. Жамият тараққий этади, юксалади, бир сўз билан айтганда, аёл бахтли бўлади. Бахтли аёл бутун жамиятни, оламни мунаввар қилади.

***Байрам муборак бўлсин, азиз ва муҳтарама опа-сингиллар!***



**Гулрух АГЗАМОВА,**
**Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси**

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари — ДЕПУТАТ АЁЛЛАРИ ҚУТЛОВИ



**Зухра ИБРАГИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари**

***Азиз ва мўътабар опа-сингиллар,***
***муҳтарама партиядошларимиз!***

*Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.*

*Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.*

*Зеро, халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъмати, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Шу боис, биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан, албатта, фахрланамиз.*

*Сўнгги йиллардаги амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилсак, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган эзгу тамойил асосида, юз минглаб хотин-қизларимизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди. Аёлларга уй-жой харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.*

*“Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”. Ана шундай мақсад асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумлари ташкил этилиб, барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинди.*

*Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилмоқда.*

*Буларнинг барчаси ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётганининг, айниқса, партиямизнинг Сайловолди дастуридаги хотин-қизлар масалалари бўйича устувор вазифалар ечимининг яққол исботидир.*

*Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек,* ***“Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг, албатта, қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади”.***

*Муҳтарама замондошларимиз!*

*Барчангизни бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклаб, оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.*

*Иқболингиз баланд, умрларингиз узоқ, ҳаётингиз фаровон бўлсин!*

***Сиз борсиз – бу ҳаёт давом этади,***
***Меҳр чашмангиздан ичмаган ким бор?!***
***Дуолар қилсангиз, дардлар кетади.***
***Бир миннат тошини отмайсиз зинҳор.***
***Сиз сабаб осуда урмоқда юрак.***
***Азиз онажонлар, байрам муборак!!!***

***Бир ширин табассум этсангиз изҳор.***
***Умр қуёш каби кетар чарақлаб.***
***Саховат бобида сизсиз бетакрор.***
***Оддий ишимизни қўясиз алқаб.***
***Аёлсиз меҳрибон, вафоли, сергак.***
***Азиз опажонлар, байрам муборак!!!***

***Туннинг акси тушган кўзларингизга.***
***Оппоқ орзуйингиз дилда мужассам.***
***Кўнгил тобе ширин сўзларингизга.***
***Умидвор қалбларга бўларсиз малҳам.***
***Яхшилик бўлсин, деб қиларсиз тилак,***
***Азиз сингилжонлар, байрам муборак!!!***





**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси**



**Музафара АБДИЕВА,**
**Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси**



**Мавлудахон АДХАМЖОНОВА,**
**Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси**



**Олтиной МАМИРОВА,**
**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси**



**Дилрабо ХАЛБАЕВА,**
**Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси**



**Елена БОРИСОВА,**
**Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси раиси**



**Гулбаҳор САЙДГАНИЕВА,**
**Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**



**Инна КОРЖИКОВА,**
**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси**



**Нодира ДЖАНИБЕКОВА,**
**Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси**



**Махфурат ХУШВАҚТОВА,**
**Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси**



**Елена КОМПОЛЬШИК,**
**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси**

# Омбудсманлар тажрибаси:

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



**Пойтахтимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институтининг 29 йиллиги муносабати билан “Инсон ҳуқуқлари – давлатлар барқарор ривожланишининг муҳим омили” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Маълумки, Омбудсманлар инсон ҳуқуқларини таъминлашни мақсад қилган бўлсалар-да, уни амалга ошириш усуллари, механизмлари ҳамда таъсир чоралари бир биридан фарқ қилади. Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд муаммолар ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, Омбудсманлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертларнинг бир жойда жамланиши ва ўзаро тажриба алмашиши инсон ҳуқуқлари таъминланишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Конференцияда Австралия, Озарбайжон, Венгрия, Италия, Қозоғистон, Қирғиз, Марокаш, Мўғулистон, Норвегия, Покистон, Россия, Сербия, Тайланд, Туркия ва Тожикистон давлатлари Омбудсманлари инсон ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик жамиятлари билан ишлаш, рақамлаштириш жараёнлари, гендер тенглиги, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат муносабатлари ва қатор бошқа йўналишлардаги ўз тажрибалари билан бўлишишди.

20 га яқин хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ваколатли органлари ҳамда халқаро бирлашма экспертлари, қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ва юртимиздаги хорижий давлатларнинг фавқулодда ва мухтор элчиларини қамраб олган конференция илғор тажрибаларни ўрганиш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва янги ташаббусларни илгари суришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар, Бош қомусимизда инсон қадри, манфаати учун хизмат қиладиган нормалар аввалгисидан 3 бараварга кўпайгани ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон эришган натижалар хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Конституцияда Омбудсман институтининг қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани белгилаб қўйилгани тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

**Анас Файяд Қарман,**
**БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини вақтинча бажарувчи:**
*– Ўзбекистон 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни қабул қилиб, уларни ўзининг миллий қонунчилигига интеграция қилди ва шу орқали ўзининг қонун-қоидаларини босқичма-босқич равишда илғор жаҳон амалиётига яқинлаштирмоқда. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қатор ижобий қадамларнинг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда, биз янги Конституцияга мувофиқ Омбудсманнинг қонун ижодкорлиги жараёнига таъсирининг ошаётганини ижобий натижа сифатида эътироф этамиз.*

**Девид Хоффман,**
**USAIDнинг Ўзбекистондаги миссияси раҳбари:**
*– Ўзбекистонда сўнгги 6-7 йил давомида жуда катта ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Айни жараёнлардаги энг муҳим жиҳат, бу инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳаракатлардир. Бугунги анжуманда шу йўналишдаги ишларнинг амалий натижалари намоён қилинмоқда. Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари давлатнинг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. USAID ташкилоти инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган халқаро ва миллий тажрибаларни умумлаштириб амалиётга татбиқ этиш борасида Омбудсман билан ўзаро ҳамкорликни давом эттиришидан хурсандмиз.*

**ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Сергей Сизов** томонидан *Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда мустақил институт сифатида фуқаролар ҳаётида ва жамиятда муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.*

**Крис Филд, Халқаро Омбудсман институтининг Президенти, Ғарбий Австралия Омбудсмани:**
*– Халқаро омбудсман институти 200 дан ортиқ вакилларига эга. Биз биргаликда Омбудсманларнинг умумий мақсадига эришиш борасида ҳамкорликни йўлга қўямиз, чунки бизнинг асосий мақсадимиз, албатта, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланганлигини таъминлаш ҳисобланади. Мен мамнуният билан ўтган йили мамлакатингиздаги муҳим сиёсий жараёнларни шахсан кузатганим ва ижобий хулосаларга келганимни айтмоқчиман.*

**Шереф Малкоч,**
**Туркия Бош Омбудсмани:**
*– Амир Темур юртида эканлигимдан хурсандман. Бизнинг тарихимиз, илдизларимиз шу ер билан боғлиқ. Ўзбекистондаги ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларни, ислоҳотларни ва демократлашиш жараёнларини катта ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатиб боряпмиз. Бу жараёнлар эса нафақат Ўзбекистонга, балки бошқа давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади, деб ўйлайман. Ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда қанчалик яқин ҳамкорликда бўлсак, ўзаро тажриба алмашсак шунчалик ривожланиб борамиз.Икки давлат ўртасидаги мулоқот, муносабат, бирдамлик мамлакатларимиз фаровонлигини оширади, осойишталигини таъминлайди.*

**Жаргалсайхан Хунан,**
**Омбудсман – Мўғулистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий комиссияси:**
*– Халқаро конференция орқали Ўзбекистон ҳақида, хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кўплаб нормалар мустаҳкамлангани, шунингдек, ушбу қонун Омбудсман ҳуқуқларини тўла кафолатлаб, ҳуқуқларини кенгайтиргани бўйича маълумотларга эга бўлдик. Бундан ташқари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти мустаҳкамланган, мажбурий меҳнат бекор қилинган ҳамда юқори даражадаги раҳбарлик лавозимларига аёллар тайинланган. Бу Мўғулистонда жуда кам учрайдиган ҳодиса. Ишонамизки, бу йил Ўзбекистонда Мўғулистон элчихонасини очамиз. Қолаверса, биз Омбудсманлар ҳамкорлик меморандумини имзоладик.*

**Артур Ластаев,**
**Қозоғистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили**
*– Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ва тажрибаси анча такомиллашди. Ўзбекистон бу борада жуда ҳам ажойиб натижаларни кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, юртингиздаги конституциявий ислоҳотларни диққат билан кузатиб, ўзбекистонлик дўстларимиз эришаётган ютуқларидан хурсанд бўлиб келмоқдамиз. Шуни айтишим жоизки, биз Ўзбекистон Омбудсмани билан ҳар томонлама кучли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқдамиз.*

**Марино Фарделли,**
**Италиянинг минтақавий ва автоном вилоятлари омбудсманларининг миллий координатори**
*– Бугунги Италия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик, албатта, икки давлат фуқароларининг манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бундан ташқари, Италияда ўзбекистонлик талабалар сони 2000 нафардан кўп. Шу нуқтаи назардан Омбудсманлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш жуда муҳим. Мамнуният билан айтишим мумкинки, конференция доирасида Ўзбекистон Омбудсмани билан ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Бу эса мустаҳкам ҳамкорлигимизга яна бир туртки бўлади.*

**Акос Козма,**
**Венгрия асосий ҳуқуқлар комиссари (омбудсман):**
*– Ўзбекистон ва Венгрия давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, у кўплаб соҳаларни қамраб олган. Давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганини ўтган йили Венгрия пойтахтида Ўзбекистон элчихонасининг очилгани тасдиқлайди. Шунга мос равишда биз Омбудсманлар ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаб бормоқдамиз. Ўтган йили биз ҳам ҳамкорлик меморандумини имзоладик.*

**Мохамед Беналилу,**
**Марокаш Қироллигининг Омбудсмани**
*– Мен ушбу халқаро конференцияни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги навбатдаги муҳим қадам деб биламан. Чунки биз сунъий интеллект натижасида ўзгараётган жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича янги чақириқлар юзага келиши мумкинлигини яхши тушунишимиз керак. Турли маданият вакилларини бирлаштирган ушбу конференцияда географик ҳудудлар ва маданий фарқлардан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ақлли ва етарли ечимлар топиш мумкин. Мен ҳамкасбимга Марокашда икки томонлама меморандум имзолаб, алоқаларимизни янада мустаҳкамлашни таклиф қилдим.*

**Джамиля Джаманбаева,**
**Қирғиз Республикаси Омбудсмани:**
*– Бугунги тадбир жуда ҳам юқори савияда ташкил этилган бўлиб, ушбу мулоқот барча омбудсманлар учун фикр алмашиш ва улкан тажриба майдони бўлди. Қирғизистон омбудсман институти фаолиятига тўхталадиган бўлсам, институтимиз мамлакатимиздаги энг юқори 5 та давлат органларидан бири ҳисобланади, шундан келиб чиқиб, биз ҳам Конституцияга мувофиқ Парламент билан якдил ҳолда инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлаймиз.*

**Умед Бобозода,**
**Тожикистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили:**
*– Ўзбекистондаги ҳамкасбларимизнинг сўнгги йиллардаги эришган натижалари бизни беҳад қувонтирди. Референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, хусусан, Омбудсманга қонун лойиҳаларини қонун ташаббуси тартибида киритиш ҳуқуқининг берилгани жуда муҳим. Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари йўналишидаги ислоҳотлар ва эришилган натижалар борасида Ўзбекистондан ўрганадиган жиҳатларимиз бор.*

Мазкур халқаро тадбир Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, USAIDнинг Ўзбекистондаги миссияси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари муҳокама этилган муҳокама майдонида нуфузли халқаро ташкилот вакиллари, жумладан, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ихтисослашган қўмиталари аъзолари, Европа Кенгаши, ЕҲХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Венеция комиссияси экспертлари, Халқаро Омбудсманлар институти, Осиё Омбудсманлари Ассоциацияси, Германиянинг Макс Планк институти, UPR инфо вакиллари ҳам иштирок этишди. Халқаро экспертлар Омбудсман институтининг жамият ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигига тўхталар экан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни эътироф этишди ва ҳамкорликда ишлашга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Халқаро конференция якунларига кўра, Тошкент резолюцияси қабул қилинди.

Конференция доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар Омбудсманлари Олий Мажлис Сенати раиси ва сенаторлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари ва депутатлар билан ҳам учрашишди.

Туркия, Венгрия, Италия, Мўғулистон, Марокаш, Қирғиз ва Қозоғистон Республикалари Омбудсманларидан иборат делегация аъзолари ташрифи Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан ўтказилган учрашув билан якунланди.

## “Адолат” аралашгач

Ҳафта бошида хоразмлик журналист Наргиза Бўронованинг ютуб каналидаги “Экранга сиғмаган гаплар” муаллифлик лойиҳасида Хоразм вилоят Урганч тумани “Оқ олтин” маҳалласи ҳудудида жойлашган фермер хўжалигига қарашли далада 25 йилдан бери уйсиз, паспортсиз, оиласиз яшаб келган, 1958 йилда туғилган Самандар ота Худайберганов тўғрисида эълон қилинган видеолавҳа кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Албатта, ушбу лавҳа Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолларини ҳам бефарқ қолдирмади. Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши фаоллари, депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳ Самандар Худайберганов яшаб келаётган далага бориб, унинг яшаш шароити билан танишди.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**“Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Чорак асрлик сарсонгарчилик БАРҲАМ ТОПДИ



Ҳақиқатан ҳам Самандар Худайберганов яшаш учун ҳеч қандай шароит мавжуд бўлмаган, санитария-гигиена талабларига умуман мос келмайдиган ҳолатда, яъни дала четида ўзига қўлбола кулба ясаб олиб, узоқ йиллардан буён ана шу кулбада яшаб келаётган экан. У шу ҳудудга яқин маҳаллаларга бориб, шиша идиш, баклажка, қоғоз ва бошқа чиқиндиларни тўплаб, сотиб топган маблағи эвазига кун кечириб келган.

Самандар ота Худайберганов билан учрашган ишчи гуруҳ аъзолари суҳбат жараёнида отахоннинг қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолгани билан қизиқишди.

*– Тош қаттиқми бош қаттиқ, деган иборани мана шу далада ўтган 25 йиллик умрим давомида жуда чуқур англаб етдим,* – деди отахон партия фаоллари билан суҳбатда. – *Кутилмаганда бошимга тушган оғир кунларда эсанкираб қолдим. Соддалигим туфайли фирибгарларнинг алдовига учиб, бир кунда бор-будимдан, уйимдан, оиламдан, бола-чақамдан айрилдим. Бунинг устига ҳужжатларимни ҳам йўқотиб қўйдим. Ўша пайтларда бош уриб бормаган жойим қолмаган. Лекин ҳеч ким мени эшитмади. Охири “бу дунёда ҳақиқат йўқ экан”, деб ҳаммасига қўл силтаб, шу даладан паноҳ топдим. Қишнинг изғиринли кунларида азоб тортдим, соғлигим бўлмаганида меҳрга муҳтож бўлдим. Лекин тан олиб айтмасам гуноҳ бўлади, ўтган йиллар мобайнида ҳолимдан хабар олиб турган, озиқ-овқат, кийим-кечак берган саховатпеша инсонлар ҳам бўлди.*



Самандар отанинг айтишича, у бундан 25 йил муқаддам Урганч шаҳридаги маҳаллалардан бирида, ўз уйида, фарзандлари ва оиласи бағрида яшаган. Устачилик қилиб, оила тебратган. Кейинчалик фирибгарларнинг гапига кириб, тенгшерикликка тадбиркорлик қилиш мақсадида уйини сотиб, пулни ўзи ишониб юрган таниш-билишларига беради. Орадан маълум бир муддат вақт ўтиб, унга қоп-қоп ваъдалар бериб уйининг пулини олганлар ўзларининг қарздор эканликларини тан олишмайди...

Шу тариқа отахон уйсиз қолади. Эрининг тайёр уйни сотиб, кўчада қолганидан жаҳли чиққан турмуш ўртоғи фарзандларини олиб, Қирғиз Республикасига – ота уйига кўчиб кетади...

Ҳаёт синовлари олдида ожиз қолган Самандар ота эса уйсиз, кўчада қолади...

Партия ишчи гуруҳи саъй-ҳаракати билан Самандар ота шаҳарга олиб келиниб, тиббий кўрикдан ўтказилди. Вақтинча Хонқа туманидаги Мурувват уйига жойлаштирилди. Саховатпеша депутатимиз отага бош-оёқ кийим-бош қилиб берди. Айни кунда партия фаоллари томонидан Самандар отага Урганч шаҳар Ички ишлар бошқармаси томонидан паспорт олиб бериш учун керакли ҳужжатлар шакллантирилди ва рўйхатга олинди. Шунингдек, отани нафақа билан таъминаш ҳамда доимий яшаш жойи масалаларини ҳал этиш ишлари бошлаб юборилди.

Айни дамда отахоннинг қувончи чексиз. Бугун биз бир кун аввал кўрган Самандар отанинг бутунлай акси бўлган, ҳаётдан рози, кўзлари қувончдан порлаб турган инсон билан Хонқадаги Мурувват уйида яна учрашиб, суҳбатлашдик.

*– “Адолат” партиясининг адолатли фаолларидан жуда миннатдорман,* – деди отахон биз билан суҳбатда. – *Тўғрисини айтсам, мен аллақачон ҳамма нарсадан умидимни узиб бўлган эдим. Яшашнинг қизиғи қолмаган эди. “Адолат”чилар менга умид беришди. Мен ҳам инсон эканлигимни, менинг ҳам яшашга ҳаққим борлигини ёдимга солишди. Шунча йилдан бери бугун иссиқ хонада, юмшоқ тўшакда ухладим. Бу юртда адолатпарвар инсонлар борлигига иймон келтирдим. Ҳозир ич-ичимдан ҳамма-ҳаммаларингизга минг бор ташаккур, яхши одамлар, дегим келаяпти...*

Дарҳақиқат, инсон қадри баланд бўлган юртда ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди. Партиямиз кўмаги билан энди Самандар ота ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Унинг кўп йиллик орзу-умидлари рўёбга чиқади, қадди ва қадри баланд фахрийларимиз сафидан жой олади, кексаликнинг бебаҳо лаҳзаларидан баҳраманд бўлади.

Беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг мангуликка дахлдор байти ёдга тушади:

***Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.***

Дарҳақиқат, юртимизда Инсон азиз, Инсон мукаррам. Бу ҳикматга содиқ қолароқ, бир ватандошимизнинг эгилган қаддини тиклаган, ҳаётдан зада кўнглига ишонч ва қувонч туйғуларини олиб кирган, бугунига ва эртанги кунига қатъий ишонч уйғота олган партиядошларимизнинг бу савобли иши кўпчиликнинг олқиши ва самимий эътирофига лойиқ бўлиши шубҳасиз.



# АЁЛ СУДЬЯЛАР – адолат ва матонат тимсоли

**Адолатнинг қарор топишида суд ҳокимиятининг ўрни катта. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг ва чуқур ислоҳотлар ўтказиш масаласига Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, суднинг мустақиллиги, инсон ҳуқуқларининг юксак даражада қадрланиши масалаларида суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ўзаро самарали ва фаол ҳамкорлик қилиш, мазкур йўналишларда таклифлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чораларини кўриш партиянинг устувор мақсадларидандир. Партиянинг Сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган бир қанча муҳим таклифлар ўрин олган.**

Жорий йилнинг 5 март куни пойтахтимиздаги “HILTON” меҳмонхонасида ўтказилган “Аёл судьяларнинг одил судловни таъминлашдаги ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ижобий ислоҳотларга тўхталар экан, партия соҳада аёл судьялар мақоми ва нуфузини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бу каби лойиҳаларни давлат ва жамият ҳаётида адолат тамойили тантанасини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида юксак баҳолашини таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоизки, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда “East-west management institute” ННТ Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу халқаро конференция 10 март “Халқаро аёл судьялар куни” муносабати билан бу йил юртимизда учинчи бор ўтказилмоқда.

Мазкур анжуманда мамлакатимизнинг аёл судьялари билан бир қаторда, Қирғизистон ва Грузия давлатларидан хорижий эксперт сифатида таклиф этилган аёл судьялар ҳам фаол иштирок этишди. Олий суд раиси ўринбосари Халилилло Тўрахўжаев ва Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Жалиловларнинг кириш сўзлари билан бошланган анжуман Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Феруза Эшматова, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) нинг Ўзбекистондаги миссияси директори ўринбосари Эдвард Михалски ва “East-west management institute” нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали директори – “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси раҳбари Соня Простран хонимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, мамлакатимизда аёл судьяларимиз томонидан амалга оширилган самарали ишлар борасидаги эътироф ва байрамона табриклар билан янада ўзгача мазмун касб этди.

*– Шарқона тафаккурда, туркий халқларда, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи жуда баланд бўлган. “Турк хоқонлар имзо чекаётганда “султон ва унинг хотунининг амри билан” деб имзо чекканлари кўпгина тарихий манбаларда баён этиб ўтилган.*

*Мана, уч йилдан буён мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2021 йилдаги №75/274-сонли Резолюциясига кўра, 10 мартни – Халқаро аёл судьялар куни сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланди. Бу эса қадим шарқ анъаналари бугунги кунда мамлакатимиз аёлларига кўрсатилаётган эҳтиром давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан ҳануз бардавом эканлигидан далолат беради,* – деди **“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова** судья аёлларни касб байрамлари билан муборакбод этиб сўзлаган нутқида.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз суд тизимида фаолият юритаётган аёл судьялар ўзларининг юксак билими, ақл-заковати билан жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Қолаверса, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи айнан суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан, бу жараёнда аёлларга хос сезгирлик, адолатпарварлик ва холислик нуқтаи назаридан, хотин-қизлар иштирокини янада оширишни тақозо этмоқда. Зотан, судьянинг вазифаси фақатгина ҳукм чиқариш билангина боғлиқ эмас. Улар томонидан чиқарилган ҳар қандай ҳукм инсонлар ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдордир.

Тадбир давомида хорижий эксперт сифатида иштирок этган аёл судьялар мамлакатимизда гендер тенглик масаласида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, келажакда юртимизда мазкур соҳада амалга оширилиши назарда тутилаётган янги лойиҳалар мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилувчи халқаро тажрибалари борасида анжуман иштирокчилари билан ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистонда бугунги кунда 199 нафар аёл судья фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 26 нафари раҳбар судьялик лавозимига тайинланган. Мазкур статистика, мамлакатимизда гендер тенглик масаласи сезиларли равишда тараққий этиб бораётганининг яққол исботидир.

Конференция кун тартибига киритилган мавзулар қаторида судьялик лавозимига хотин-қизларни тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Анжуман доирасида одил судловни амалга оширишдаги самарали меҳнати учун 10 нафар аёл судья Олий суднинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, Судьялар олий кенгаши томонидан суд тизимида юксак обрў-эътибор қозонган, судьялик бурчини бенуқсон ва ҳалол амалга оширган, жамиятда одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва ёш судья кадрларни етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган 1 нафар аёл судьяга “Суд фахрийси” кўкрак нишони, 1 нафар аёл судьяга эсдалик совғалари топширилди.

Конференция сўнгида анжуман давомида муҳокама этилган масалалар атрофлича таҳлил этилиб, билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

## BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI DIQQATIGA!

## O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi Markaziy apparati quyidagi moddiy-texnik vositalarni xarid qilish bo‘yicha TANLOV E’LON QILADI:

**Animatsion va moushn effektlar uchun kompyuter jamlanmasi**

| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | CPU: Intel-Core i9 - 14900K, 3.2 GHz, 33MB, oem, LGA1700, Raptor Lake | 1 dona |
| 2 | OZU: Crucial DDDR5 64GB 4800Mhz (32gbx2) | 1 dona |
| 3 | SSD: SSD Samsung 980 PRO 1 TB (MZ-V8P2T0BW) M.2 PCI-E 4.0 | 1 dona |
| 4 | Materinka: MB Gigabyte Z790 AIRO G DDR5 LGA1700 | 1 dona |
| 5 | Videocard: Gigabyte - 16GB GeForce RTX4080 AORUS MASTER GV-N4080AORUS M-16GD | 1 dona |
| 6 | Blokpitaniya: Gigabyte UD1300GM PG5, 1300W, 120mm, 80 Plus Gold, Modular ATX Power Supply | 1 dona |
| 7 | Kuller: (Jidkostniy kuler dlya SP) Icue H170i Elite Capellix | 1 dona |
| 8 | Keys Cooler: Master HAF 700 PC Case Review | 1 dona |
| 9 | HDD: SEGAT EXOS 4 TB | 1 dona |
| 10 | Monitor: Samsung - 27" LS27A700NWN Monitor, IPS, 60Hz, 5mc, UHD (3840x2160), HDMI+DP, Black | 2 dona |
| 11 | Klaviatura, mishka: Redragon | 1 dona |

**Foto, video va boshqa media mahsulotlar montaji uchun kompyuter jamlanmasi**

| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | CPU: Intel-Core i7 - 12700K, 3.6 GHz, 25MB, oem, LGA1700, Alder Lake | 1 dona |
| 2 | OZU: Lexar DDR5 32GB 3600Mhz RGB (16gbx2) | 1 dona |
| 3 | SSD: SSD Samsung 980 PRO 1 TB (MZ-V8P2T0BW) M.2 PCI-E 4.0 | 1 dona |
| 4 | Materinka: MB Gigabyte B760 AORUS ELITE AX DDR5 LGA1700 | 1 dona |
| 5 | Videocard: Gigabyte - 12GB GeForce RTX4070Ti WINDFORCE OC GV-N407TWF3OC-12GD | 1 dona |
| 6 | Blokpitaniya: Gigabyte Aorus GP-AP850GM 850W, 120mm, 80 Plus Gold, Modular, ATX Power Supply | 1 dona |
| 7 | Kuller: ID Cooling SE-207-XT BLACK | 1 dona |
| 8 | Keys: MB520-KGNN-S01 | 1 dona |
| 9 | HDD: SEGAT EXOS 4 TB | 1 dona |
| 10 | Monitor: Samsung - 27" LS27A700NWN Monitor, IPS, 60Hz, 5mc, UHD (3840x2160), HDMI+DP, Black | 1 dona |
| 11 | Klaviatura, mishka: REDRAGON | 1 dona |
| 12 | Konsentrator: Belkin Travel Hub USB-C PD, USB-C, 2/USB 3.0, HDMI, Gigabit, space gray (F4U092btSGY) | 1 dona |

**Tasvirga olish vositalari jamlanmasi**

| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | Canon EOS 5D Mark IV Kit 24-105mm | 1 dona |
| 2 | Obyektiv: Canon EF 70-200 mm | 1 dona |
| 3 | Fotoapparat uchun batareya | 2 dona |
| 4 | Kamera uchun yoritish led chirog‘i (Vspishka dlya fotoapparata): YN600 | 1 dona |
| 5 | Fotoapparat uchun sumka | 1 dona |
| 6 | Fleshka: SD 128Gb | 2 dona |
| 7 | Shtativ: Benro BV6Pro Dual-Tube s videogolovoy BV6 | 1 dona |
| 8 | Fotoapparat uchun stabilizator: Ronin S-3 | 1 dona |
| 9 | Batareyka (Akkumulyatorniye batareyki): Eneloop pro (Panasonic) | 28 dona |

**Media studiyasi uchun xarid qilinadigan jihozlar ro‘yxati**

| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | Amaran 300S | 2 dona |
| 2 | Softbox (aputure light Dome2) | 2 dona |
| 3 | Godox FL150R | 2 dona |
| 4 | Nanlite 30X | 2 dona |
| 5 | Shtativ: Selens BXL280 | 7 dona |
| 6 | GreenBean Field 3x7m Green (Fon tkaneviy xromakey zeleniy) | 1 dona |
| 7 | Shtativ juravl | 2 dona |
| 8 | Telesuflyor: GB-22BD Dual jamlanmasi | 1 dona |
| 9 | Dji OM 6, (Monopod) | 1 dona |
| 10 | Led panel: Godox LED1000D II | 2 dona |
| 11 | Nur qaytargich (Солнечная подцветка для съёмки) | 1 dona |
| | **Media studiyasi uchun ovoz yozish texnikalari** | |
| 12 | Audient iD14 MKII | 1 dona |
| 13 | Focal Alpha 50 | 1 dona |
| 14 | Beyerdynamic DT 770 PRO / 32 ohm | 1 dona |
| 15 | AKG P120 | 1 dona |
| 16 | Микшерный пульт Behringer 302USB | 1 dona |

**Shuningdek, quyidagi hujjatlarni tayyorlash va xarid qilish bo‘yicha TANLOV E’LON QILADI:**

| № | Hujjat nomi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | A’zolik bileti: o‘lchami 70*100mm, qog‘oz qalinligi 350 gr. karton, usti qismi yupqa laminatsiya, 2 taraflama rangli 4 kraskali bosma (4+4), nomerlangan, dizayner xizmati bilan | 100 000 dona |
| 2 | Partiya a’zolik kartochkasi: A5, 1+1, 200 gr matoviy. | 50 000 dona |

Eslatma! Jadvalda ko‘rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 20-mart kuni soat 15:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo‘lib o‘tadi.

Barcha mahsulotlarda buyurtmaning raqami, ishlab chiqaruvchining ma’lumotlari, ishlab chiqarilgan joyi, soni va boshqa qonun talablaridagi ma’lumotlar bo‘lishi shart.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tomonidan tijorat takliflari “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 19-mart kuni soat 15:00 gacha muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Tijorat takliflarida texnik-vositalarning o‘rnatib berilishi va kamida uch yillik kafolat muddati ko‘rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan texnik-vositalar uchun pul to‘lanmaydi.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag‘lar, kelgusida mablag‘larning sarflanishi bo‘yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo‘lib o‘tishi belgilangan.

Tanlov “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joriy yilning 20-mart kuni soat 15:00da boshlanadi.

Tanlov vaqtida quyidagi da’vogarlarning tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko‘rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo‘l quyilmaydi.

*- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo‘lgan;*

*- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;*

*- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo‘yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;*

*- tanlov e’lon qilingunga qadar ta’sis etilganiga 6 oy bo‘lmagan;*

*- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko‘rib chiqilayotgan.*

**Tanlovda qatnashish istagini bildirgan tadbirkorlarga taklif etilayotgan hujjat namunalarini “Adolat” SDPdan olishlari mumkin. Tijorat takliflarida moddiy boyliklarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko‘rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g‘olibidan tashqari) pul to‘lanmaydi.**

*Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan hujjatlar soni o‘zgarishi mumkin!*

Eslatma! Tijorat takliflari bilan birga korxona-tashkilotning litsenziya va guvohnomalari tadbirkorlik subyekti tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda hamda tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilib, “Adolat” SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa hamda tijorat takliflari, korxona-tashkilotning litsenziya va guvohnomalari tadbirkorlik subyekti tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi. Muqaddam sifatsiz texnik-vositalarni(mahsulotlarni)yetkazib bergan va shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida “Buyurtmachi”larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi. Tanlovda g‘olib deb topilgan tadbirkorlik subyekti o‘zbek tilida shartnoma berishi shart.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111), (93) 202 14 04, (91) 265 93 96.

**Komissiya kotibi: K.MIRZABAYEV**




**Халқаро хотин-қизлар куни байрами олдидан Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши сафидаги “Ёш адолатчилар” “Аёлга эҳтиром” лойиҳаси доирасида ташаббус билан чиқдилар. Сафдошларимиз Андижон шаҳридаги меҳнат жамоаларида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларни байрам билан қутладилар. Опа-сингилларимизнинг иш жойларига бориб, уларга гул ва эсдалик совғалари топширдилар.**

## “Ёш адолатчилар”нинг хайрли ташаббуси



*– Байрам арафасида қутловлар, совғаларни қайси бир аёл истамайди,* **– дейди Андижон шаҳридаги "Akmal Farm Medical” хусусий дорихонаси сотувчиси Соҳиба Дадажонова.** – *“Ёш адолатчилар”нинг табригидан кайфиятим роса кўтарилди. Мен учун бу энг қадрли совға бўлиб қолади. Байрамларимиз кўп бўлсин, юртимиз тинч ва янада обод бўлишига тилакдошман.*

“Ёш адолатчилар”нинг опа-сингилларимизга эҳтиром кўрсатиш йўлидаги ташаббуси қанот ёзди. Андижоннинг ҳар бир аёлига байрам шодлиги улашилмоқда.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**



## Эллик нафар шифокор аёл партия сафига қабул қилинди



**"Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Мирзараҳмат Олимов вилоят эндокринология марказидаги бошланғич партия ташкилотида бўлиб, "Бошланғич партия ташкилоти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш "Адолат" СДП фаолиятида муҳим омил" мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

Шу куни партиянинг Сайловолди дастури юзасидан таклифлар олинди ҳамда эллик нафар шифокор аёл "Адолат" социал демократик партияси сафига қабул қилинди.

Эълон

*Самарқанд вилоят Ижтимоий иш мактаби Ассоциациясини ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган*

***Республика ижтимоий иш мактаби Ассоциациясига ўзгартирилиши маълум қилинади.***

Мурожаат учун телефон: *+998915255522*





# Мумтоз қўшиқларни яхши кўраман...

**Қаҳрамонимиз М. Қориёқубов номидаги анъанавий кўрик-танловнинг икки карра ғолиби, Тошкентда ўтказилган “Шарқ атиргули”, (“Роза Востока”), Чехиянинг Прага шаҳрида бўлиб ўтган “Брилантовый голос” (“Биллур овоз”), Беларусь Республикаси Витебск шаҳри мезбонлик қилган “Славянски базар” (“Славян бозори”), Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танлов, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида Гран-при соҳибаси бўлган. Шунингдек, Тошкентда бўлиб ўтган “Мардлар қўриқлайди Ватанни”, Зулфия таваллудининг юз йиллига бағишлаб ўтказилган танлов ҳамда Андижонда ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан” республика танловларида совринли натижаларни қайд этган.**

**Хайринисо Акбарова “Ftv” телеканали орқали намойиш этилган “X Faktor” телелойиҳасида ўзининг фаол иштироки ҳамда бетакрор овози билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Янги рукнимизнинг илк меҳмонларидан бири сифатида қаҳрамонимиз санъатга бўлган қизиқишлари, оиласида санъатга бўлган муносабат, “X Faktor”даги иштироки, жараёнлардаги саргузаштлар ҳақида бизга гапириб берди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

***– Билишимизча, санъат сизнинг оилангизга бегона эмас. Келинг, суҳбат аввалида санъатга бўлган қизиқишларингиз тўғрисида гаплашсак.***

– Санъатга қизиқишим болалигимдан бошланган. Дадам асли Наманган вилоятидан. Бир гал дадам, ойим ва мен қишлоққа тўйга бордик. Аммамнинг қизини турмушга беришаётганди. Ўшанда уч ёшлар атрофида эдим. Аёлларнинг доира чалиб, "Ёр-ёр" куйлашларидан қаттиқ таъсирландим. Эртаси куни келин саломда ҳам доира чалиб, қўшиқ айтишди. Тошкентга қайтгач, мен ўша тўйда эшитган қўшиқларни билганимча куйлайвердим. Шундан кейин дадам "Ёр-ёр"нинг сўзларини ёдлатди. Кейин доирача олиб беришди. Беш ёшимдан Мирзо Улуғбек туманидаги 20-сон мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик бўлимида ўқий бошладим. Биринчи устозим Абдуқаҳҳор ака Абдуқодировдан фольклор ва мумтоз қўшиқчилик сирларини ўргандим.

***– "X Faktor" лойиҳаси қисқа муддат ичида томошабинлар эътиборига тушди. Финалгача бўлган жараёнлар, умуман, лойиҳа давомида ўзингизга нималар олдингиз?***

– Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган "X Faktor" шоуси чиндан ҳам мусиқа ва санъат соҳасида ўзига хос янгилик бўлди. Шу пайтга қадар гарчи кўплаб республика ва халқаро танлов, фестивалларда қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритган бўлсам-да, бу шоу ҳам мен учун ҳаяжонларга бой бўлди. Тўйда фонограммадан фойдаланиб рақсбоп қўшиқ айтиш бошқа, ҳакамлар, қолаверса, телеэкран қаршисида сизни кузатиб турган миллионлаб мухлислар қаршисида жонли қўшиқ ижро этиш бошқа нарса. Иккиланмай айтишим мумкинки, лойиҳа кўплаб ёшларга катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳар бир қўшиқ учун махсус либослар тиктирилиши, саҳна безаклари, рақсларни тайёрлаш, устозлар билан тер тўкиб ишлаш ва қўшиқни ҳаяжон билан тақдим этиш бизга масъулият юклади. Яна шуниси ажойибки, саҳнада бир-биримизга рақобатчи бўлсак-да, саҳна ортида чинакам дўстона муносабатлар ҳукмрон эди. Ушбу шоуда иштирок этганлигимдан хурсандман ва мени қўллаб-қувватлаган, ишонч билдирган ҳамма-ҳаммага чуқур миннатдорлик билдираман.

***– Кузатишларимиз давомида амин бўлдикки, кўпинча ижро учун катта маҳорат талаб қиладиган, авжи юқори бўлган қўшиқлар танлар экансиз.***

– Тўғри, мен вокал ва ижро нуқтаи назаридан жиддий, мураккаб қўшиқларни кўпроқ ижро этаман. Қўшиқни қўшиқ қиладиган унинг мазмуни, басталанган куй, сингдирилган дард. Шуларни қойилмақом қилиб мухлисларга етказа олиш бу – санъат, деб ҳисоблайман. Қолаверса, дадам журналист. Узоқ йиллар республика газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган. Шеърлар ёзади. Маъносиз қўшиқларни ёқтирмайди. Мумтоз қўшиқларни кўпроқ ижро этишимни истайди. Мақом қўшиқларининг ҳар бир сўзини тушунтиради. Мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида ўтадиган кўрик-танловларда Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларимиз ғазаллари билан айтиладиган мумтоз қўшиқларни куйлашга тўғри келарди. Масалан, етти-саккиз ёшларимданоқ "Қоши ёсинму дейин", "Отмагай тонг", "Муножот", Саида Зуннунова шеъри билан "Барно йигит"," Ҳай-ҳай" сингари қўшиқларни ўрганиб, ижро этганман. Шу ўринда анъанавий ва эстрада йўналишларида менга устозлик қилган Абдуқаҳҳор Абдуқодиров, Влад Григоръевич Ким Шин (раҳматли), Ольга Владимировналарга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Менинг қўшиқчилик фаолиятимда уларнинг хизматлари беқиёс. "X Faktor"да яна бир ажойиб инсон Лола Йўлдошева билан танишиб, унинг устозлигида ўзига хос қўшиқлар ижро этдим.

**...мен вокал ва ижро нуқтаи назаридан жиддий, мураккаб қўшиқларни кўпроқ ижро этаман. Қўшиқни қўшиқ қиладиган унинг мазмуни, басталанган куй, сингдирилган дард. Шуларни қойилмақом қилиб мухлисларга етказа олиш бу – санъат, деб ҳисоблайман.**

***– "X Faktor" лойиҳасида ўзбек эстрадасининг етук вакили Озода Нурсаидова билан унинг машҳур "Аждодлар" қўшиғини ижро этдингиз. Тайёргарлик қандай кечгани тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.***

– Шоунинг якуний босқичларида таниқли санъаткор билан дуэт куйлаш шарти бор эди. Менга Озода Нурсаидова билан қўшиқ айтасан, дейишганида, тўғриси, қаттиқ ҳаяжонландим. Лола Йўлдошева тавсияси билан хонанданинг энг машҳур "Аждодлар" қўшиғини ёдлай бошладим. Мазмуни менга жуда ёқди. Лекин тайёргарлик учун вақт жуда кам эди. Уйда ҳам то ярим тунгача қўшиқ сўзлари билан шуғулландим. Бу қўшиқни шунчаки айтиб бўлмасди. Жуда жиддий асар. Барибир, саҳнада ҳаяжон ва чарчоқ ўз ишини қилди – ижро бошларида бир жойда қўшиқ сўзи ёддан чиқди. Шунда Озода опа усталик билан давом эттириб, узилишни текислаб юборди. Ижрони юқори тонда тугатган бўлсак-да, менга жуда ноқулай бўлди. Озода опа бағрига босиб, ҳаммаси зўр бўлди, деди. Шоуда ана шундай драматик ҳолатлар ҳам бўлди.

***– Профессионал таълимни давом эттириш истагингиз бор экан. Келгусида Хайринисо Акбарова ижодда қандай янгиликлар қилмоқчи?***

– Анъанавий ва эстрада йўналишлари бўйича иккита мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олдим. Айни пайтда Республика мусиқа ва санъат коллежининг эстрада йўналиши иккинчи босқичи талабасиман. Келгусида олий ўқув юртида ўқиб, ўз билим ва маҳоратимни янада мустаҳкамлаш, янги-янги қўшиқлар яратиб, халқимизга ҳавола этиш ниятидаман. Қолаверса, халқаро саҳналарда ҳам ўзбек санъат мактаби дурдоналарини намоён этиш орзусидаман.

***– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!***

*Суҳбатимиз давомида шуни англаб етдикки, мусиқа инсонларни ҳамиша яхшиликка чорлаш баробарида санъат кишисида юксак инсоний туйғуларни ҳам камол топтирар экан. Шуни ҳам мамнуният билан айтиш жоизки, бугун Хайринисо Акбарова сингари мусиқага ошуфта қалб эгалари, иқтидорли ёшларимизга катта имконият эшиклари очилмоқда. Маданият вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган "Bo‘zatov Fest", "Artist" лойиҳалари қаторида "X Faktor" ҳам истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаб, халқимизга танитмоқда. Албатта, бу ўзбек мусиқа санъатининг кун сайин янги жозиба ва аҳамият касб этиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.*

**Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ суҳбатлашди**

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 300

Адади – 2048
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.